



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

ЖАМИЯТ

№ 42-43
(961)
2025 йил
23 октябрь,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета



IUCN
World
Conservation
Congress
Abu Dhabi 2025



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШАББУСЛАРИ

IUCN БУТУНЖАҲОН КОНГРЕССИНИНГ ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАРИГА КИРИТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳакимов бошчилигидаги делегация 2025-йил 9–15-октабр кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи (IUCN) Бутунжаҳон конгрессида иштирок этди. **3** ➤



Меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясида янги босқич

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қасаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан ўтказган учрашуви мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим воқеа сифатида тарихга кирди. Сабаби, мазкур учрашув фақат меҳнат соҳасидаги муаммоларни муҳокама қилиш билан чекланиб қолмади, балки давлат ва жамият муносабатларида инсон кадрини олий кадрият сифатида белгилаб, қасаба уюшмаларининг бу борадаги муҳим вазифаларини белгилаб берди. **2** ➤




ДЕМАК, ҲАЛИ ЯШАСА БЎЛАДИ... **11** ➤

Қимматга тушаётган

“Бошида бир ойча қанд миқдори 5,5 га тушди, лекин кейинги ой жуда ёмон бўлдим, танамда қанд миқдори 12-15 гача чиқиб кетди. Уларга: “Шунақа бўляптику” десам, шифокор ёзган дориларни ичаётганимни сўрашди. Ичмаётганимни айтдим. Шунда улар шифокор ёзган дориларни ҳам ичиб туришимни айтишди”.

ТАРҒИБОТ **2** ➤



МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

«1 Хусусан, сўнгги саккиз йилда мамлакатимиз иқтисодиётига 130 миллиард доллар миқдорида инвестициялар жалб қилинди. Бу орқали минглаб янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиб, миллионлаб янги иш ўринлари яратилди. Бу жараёнда хусусий секторнинг улуши ва аҳамияти ортган бўлиб, фуқароларга муносиб меҳнат шароити яратилиши натижасида жон бошига тўғри келадиган даромад миқдори 3,5 минг долларни ташкил этмоқда.

Меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий асослари ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Жумладан, янги таҳрирдаги Конституция, Меҳнат кодекси, “Аҳоли бандлиги тўғрисида” ва “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниши бу соҳадаги илғор қадамлардан бири бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг 25 та ҳужжатини ратификация қилиб, бу борадаги глобал стандартларга мос қадамларни ташламоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш мамлакатимиз учун йиллар давомида энг оғриқли муаммолардан бири бўлиб келган. Бироқ, қатъий сиёсий ирода ва ислохотларга содиқлик туфайли бу муаммо ижобий ҳал қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги тажрибаси Халқаро меҳнат ташкилоти то-

монидан бошқа давлатларга тавсия этилмоқда. Бу инсонийлик ва адолат тамойилларига содиқ қолишнинг амалий ифодасидир.

Бугунги кунда 8 миллионга яқин аъзога эга бўлган касаба уюшмалари фуқаролик жамиятининг энг муҳим институти сифатида фаолият юритмоқда. Уларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли бекиёс. Кейинги йилларда касаба уюшмалари орқали 500 мингга яқин ходимнинг ҳуқуқлари тикланган, уларнинг фойдасига 267 миллиард сўм ундириб берилган ва 13 минг ходим ишга қайта тикланган.

Касаба уюшмалари халқаро майдонда ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Халқаро касаба уюшмалари конфедерациясига аъзо бўлди. Бу касаба уюшмаларининг нуфузи ва таъсир доираси кенгайиб бораётганининг яққол исботидир.

Учрашувда Давлат раҳбари меҳнат муносабатларидаги янги шакллар масофавий ва платформали бандлик масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Мазкур йўналишда фаолият юритаётган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий суғурта билан таъминлаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу боис, касаба уюшмалари билан ҳамкорликда ушбу йўналишда қонунчилик асосида таклифлар ишлаб чиқиш

зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, меҳнат бозорида хотин-қизлар учун тенг имкониятлар яратиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳар йили гендер аудит натижаларини таҳлил қилиш, хотин-қизлар учун қулай меҳнат шароитларини яратиш муҳим вазифалар сифатида белгиланди.

Шу билан бирга, учрашувда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари ҳақидаги маълумотларнинг яхлит тизими мавжуд эмаслиги таъкидланиб, бу борада аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Келгусида касаба уюшмалари билан ҳамкорликда маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишнинг ягона тизимини жорий этиш топширилди.

Қолаверса, ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш мақсадида “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги Қонунни тезроқ қабул қилиш ва унда суғурта жамғармасини шакллантиришда иш берувчи ҳамда ходимларнинг иштирокини кафолатлаш зарурлиги айtilди.

Хулоса қилиб айтганда, касаба уюшмалари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашув Янги Ўзбекистонда инсон қадр, меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат

тамомойилларининг устувор эканини яна бир бор намоён этди. Мулоқот давомида давлат раҳбари томонидан меҳнат муносабатларини такомиллаштириш, фуқароларни муносиб меҳнат шароити билан таъминлаш, касаба уюшмаларининг мустақил фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган қатор долзарб ташаббуслар илгари сурилди.

Келгусида рақамли ва платформали бандлик, гендер тенглиги, ижтимоий суғурта, меҳнат муҳофазаси каби йўналишлардаги фаолиятни янада чуқурлаштириш ислохотларнинг янги босқичига йўл очади. Касаба уюшмалари эса бу жараёнда иш берувчи ва ходим ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган, жамиятда ижтимоий барқарорликни сақлашга хизмат қиладиган муҳим воситалардан бири бўлиб қолиши, шубҳасиз.

**Гулнорахон
АБДУВОҲИДОВА,
Қонунчилик палатасининг
Меҳнат, соғлиқни сақлаш
ва ижтимоий масалалар
қўмитаси аъзоси**



ҚИММАТГА ТУШАЁТГАН ТАРҒИБОТ

Бугун саҳна юлдузлари экран ортида ёлғонни тарғиб қилаётган бир саҳнада «роль» ўйнамоқда. Гап севимли санъаткорлар – кизикчилар Мирзабек Холмедов, Зокир Очилдиев, овози билан қалбларга йўл топган Тохир Маҳкамов ва Абдужалил Қўқонов ҳақида кетмоқда (бошқа театр актёрлари ҳам бор).

Бу инсонлар, афсуски, сўнгги пайтларда клиник текширилмаган маҳсулотларни тарғиб қилмоқда.

Аввалроқ «Қалпоқ» ҳажвий гуруҳининг актёри Абдурахмон Сурупов ҳам шу дамламанинг рекламасида роль ўйнаган эди. Яқинда у билан учрашиб қолдик. Дамламанинг таъсири ҳақида гап очилиби, чиндан ҳам шифо бўляптими, деб сўрадим. Абдурахмон ака: “Бошида бир ойча қанд миқдори 5,5 га тушди, лекин кейинги ой жуда ёмон бўлдим, танамда қанд миқ-

дори 12-15 гача чиқиб кетди. Уларга шунақа бўляптику десам, доктор ёзган дориларни ичаётганимни сўрашди. Ичмаётганимни айтдим. Шунда улар шифокор ёзган дориларни ҳам ичиб туришимни айтишди (кулади). Шу бўйи ичмай қўйдим. Улар реклама ҳақки учун берган бир неча кути дори уйда ётибди”.

Санъаткор бу – муҳаббат, эзгулик элчиси бўлиши керак, савдо агенти эмас. Ҳаммангизнинг жонбаали санъатингиз, Худо берган

иқтидорингиз бор. Сиз санъатингиз, ундаги маърифатингиз билан руҳимизни даволанг. Жисмимизни қандай даволашни шифокорга қўйиб беринг.

Мен ҳам рекламанингизга учиб, ўша доридан бир курслик сотиб олиб, ичиб кўрдим. Бошида бир ой яхши бўлди. Кейин аҳволим баттар бўлди. Тўхтатдим ва шифокор тавсияси билан даволаниб, Худога шукр соғлом ҳолга қайтдим.

Шу дамламаларнинг бирортаси клиник тадқиқ қилинмаган. Агар фойдаси бўлганда эди, таҳлиллар асосида клиник лабораториядан ўтказилар, санъаткорлар эмас, шифокорлар томонидан тавсия қилинарди.

Бахриддин АСРОР

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШАББУСЛАРИ

IUCN БУТУНЖАҲОН КОНГРЕССИНИНГ ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАРИГА КИРИТИЛДИ



кураш ва мусодара қилинган жониворларни бошқариш;

– «Advancing the One Health approach for biodiversity, health and global cooperation» – “Ягона саломатлик” ёндашувини ривожлантириш;

– «Implementation of the One Health approach, from global to local» – “Ягона саломатлик” ёнда-

guidelines to effectively control the commercial pet trade in terrestrial wildlife» – ёввойи ҳайвонларнинг тижорий уй ҳайвони сифатидаги савдосини назорат қилиш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқиш;

– «IUCN Red List solvency and private-sector initiatives» – Қизил рўйхатнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва хусусий

«1

Дунё бўйлаб ҳукуматлар, илмий доиралар, ёшлар, фуқаролик жамияти ва бизнес вакилларида иборат 10 мингдан ортиқ иштирокчини жамлаган ушбу конгресс табиатни асраш ва барқарор ривожланиш масалаларини муҳокама қилиш бўйича энг йирик глобал майдонга айланди. Иштирокчилар “табиатга ижобий таъсир кўрсатадиган” келажак – инсон ва табиат уйғунлигида ривожланадиган дунёни шакллантириш йўлида биргаликдаги ҳаракатларни белгилаб олдилар.

IUCN аъзолари Ассамблеяси давомида “Абу-Даби ҳаракатга чақирув декларацияси” қабул қилинди. Хужжат мамлакатларнинг сайёрани ҳимоя қилиш ва биохилма-хилликни сақлаш борасидаги саяё-ҳаракатларни жадаллаштиришга содиқлигини тасдиқлайди. Шунингдек, делегатлар Разан Халифа Ал Муборакни IUCN президенти лавозимига қайта сайладилар ва Иттифоқнинг янги раҳбар органларини шакллантирдилар.

Конгресс доирасида инклюзивлик, инновациялар ва илмий тараққиёт масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ташкилот тарихида илк бор Бутунжаҳон маҳаллий халқлар ва табиат саммити ўтказилди. Иттифокка 100 дан ортиқ янги аъзолар, жумладан, 6 та давлат қабул қилинди. Мухим илмий янгиликлар тақдим этилди – хусусан, йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлар бўйича янгиланган ИУСН Қизил рўйхати, чанглатувчи организмлар ҳақидаги маълумотлар ва «World Heritage Outlook» ҳисоботлари. Тадбир ИСО 20121:2024 халқаро стандартига мувофиқ барқарор ёндашув асосида ташкил этилгани учун сертификатга сазовор бўлди.

Ассамблея якунларига кўра, 150 дан ортиқ қарор (мотионс) қабул қилинди, улардан еттитагининг ишлаб чиқилишида Ўзбекистон фаол иштирок этди. Улар экологик



жиноятларга қарши кураш, ёввойи ҳайвонлар савдосини чеклаш, “Ягона саломатлик” концепциясини илгари суриш ва қўриқланадиган ҳудудларнинг “Яшил рўйхати” тизимини такомиллаштириш каби йўналишларни камраб олади.

Ўзбекистон иштирокида қуйидаги ҳужжатлар ишлаб чиқилди:

– «Advancing the IUCN Green List of protected and conserved areas» – қўриқланадиган ҳудудларнинг “Яшил рўйхати” тизимини такомиллаштириш;

– «Crimes that Affect the Environment» (CAE) – экологик жиноятларга қарши курашиш;

– «Addressing wildlife trafficking and the management of seized or confiscated live wild animals» – ёввойи ҳайвонлар савдосига қарши



шувини глобалдан маҳаллий даражага жорий этиш;

– «Development of IUCN

секторни табиатни муҳофаза қилиш ташаббусларига жалб этиш.

Ўзбекистон учун алоҳида ютуқ сифатида миллий инспекторларнинг хизматлари эътироф этилди. Конгресс доирасида Екология вазирлиги инспектори Лазизбек Ҳасанов мамлакатнинг табиий ҳудудларини ҳимоя қилиш ва биохилма-хилликни сақлашга қўшган улкан ҳиссаси учун «International Ranger Award» (Халқаро рейнжер мукофоти) билан тақдирланди.

Ўзбекистоннинг дунёдаги энг йирик табиатни муҳофаза қилиш форумида иштироки халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, илғор тажриба алмашиш ва миллий ташаббусларни глобал даражада илгари суриш йўлида муҳим қадам бўлди.



Тил орқали халқ ўзини англайди, ўзлигини намоён этади ва келажакка боғланади. Тил ва маънавият – бир-бири билан чуқур боғлиқ бўлган иккита тушунча. Маънавиятнинг ўзига хос кўриниши сифатида тил миллатнинг руҳияти, унинг ўзлигини белгилайдиган мураккаб, кенг қамровли системадир.

Тил – фақат инсонлар ўртасидаги мулоқот воситаси эмас, балки бу халқнинг маънавий дунёси, унутилмас тарихий хотираси ва асрлар давомида шаклланган анъаналарнинг жамланмасидир. Миллат тили орқали ўз фикрини, орзу-ниятларини, қадриятларини изҳор этади, яъни ўз маънавий фазосини шакллантиради.

Маънавият эса инсоннинг ички олами, улуғ инсоний фазилатлар-муҳаббат, садоқат, ҳурмат, инсо-

Бугунги кунда эса тил ва маънавият муаммолари янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Глобаллашув жараёнида миллий тилларимизга бўлган эҳтиёж ва ҳурмат камаймоқда. Лекин тилсиз маънавият ҳам, маънавиятсиз тил ҳам ҳаётга мос келмайди. Шу боис тилимизни асраш, унинг тоза ва бой қолишига ғамхўрлик қилиш – ҳар бир ўзбек фарзандининг бурчи ва масъулиятидир.

ман, ҳаётни тушунишга ёрдам беради. Тилни бойитиш – маънавий қудратни кучайтириш, инсонларнинг маърифий даражасини юксалтиришдир. Шу сабабли, ҳар бир давлат ва жамият тилига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани – бу миллатнинг ўзлигини сақлаш ва ривожлантиришда катта қадамдир. Ҳозирги кунда замонавий технологиялар ва глобаллашув таъсирида тиллар тез ўзгармоқда, янги сўзлар пайдо бўлмоқда. Бу табиий жараён бўлса-да, миллий тилни асраш, унинг маънавий ободлигини сақлаш ҳар биримиз зиммамиздаги катта вазифадир. Миллий тилимиз-

кил этади. Миллат тилининг бойлиги ва жозибadorлиги маънавий фазонинг кенглиги ва юксаклиги билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун тилни бойитиш, унинг нутқ, адабиёт ва илм-фан соҳаларидаги фаолиятини ривожлантириш маънавиятимизнинг ўсишига замин яратади.

Бугунги кунда, тезкор глобаллашув ва технологиялар даврида миллий тил ва маънавиятимизга бўлган ғамхўрлик янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Инсонларнинг ҳаёт тарзи, фикрлаш услуби, маданияти доимий ўзгаришда. Ана шу ўзгаришларнинг ичида тил ва маънавиятимизни сақлаш – ҳар бир фарднинг,

БЕБАҲО МАЪНАВИЙ БОЙЛИК



ниятпарварлик, ҳаққоният каби тушунчалар йиғиндисидир. Бу фазилатларнинг барчаси тил орқали авлоддан-авлодга ўтиб, халқ руҳиятини бойитади ва чуқурлаштиради.

Тил ва маънавият ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушуниш учун тилнинг маънавий аҳамиятини чуқур ўрганиш лозим. Тил кишини ўз оламига тортади, унинг фикрлаш даражасини шакллантиради. Бу жараёнда тил, ўз навбатида, маънавий қадриятларни сақлаш ва тарқатиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир сўзда, ҳар бир иборада халқнинг асрлар давомида шаклланган ҳаётий тажрибаси, дунёқараши, ҳис-туйғулари муҷассамдир. Шундай экан, тил – маънавий меросни сақлаш ва келажакка етказиш учун муҳим восита ҳисобланади.

Тил ва маънавият ўртасидаги уйғунлик миллий маънавий маконни яратади. Ушбу маконда ҳар бир инсон ўзини эркин, кадрланган ва маънавий жиҳатдан бой ҳис қила-

даги шева, лаҳжа ва байроқ сўзларимиз – халқимизнинг маънавий бойлигидир.

Тил ва маънавиятнинг яна бир муҳим жиҳати, уларнинг халқни

ҳар бир оиланинг, ҳар бир жамиятнинг бурчига айланмоқда. Маънавият тилимиз орқали асранганда, у нафақат маънавий қадриятларни сақлайди, балки уларни янги авлодга етказди, янгилайди ва бойитади. Бу жараёнда ёшларимизни тилга муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим вазифа ҳисобланади. Ёш авлод – миллатнинг келажаги, миллий тилимиз ва маънавиятимизнинг сақловчиларидир. Тил ва маънавиятнинг ўзаро таъсири нафақат маданий, балки ижтимоий ҳамда маънавий ҳаётимизда катта ўрин тутади. Улар миллатни бирлаштиради, халқни ягона мафкура ва мақсад атрофида уйғотади. Шу жиҳатдан тил байрами – бу нафақат тилга, балки маънавиятга ҳам тўқинлик ва эҳтиром қунидир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тил ва маънавият бир-бирини туғдирувчи, ўзаро мустаҳкам боғланган тушунчалардир. Миллатнинг бой маънавий фазоси, унинг ўзига хосликлари тил орқали яшайди ва ривожланади. Шу боис ўзбек тилини қадрлаш ва унинг маънавий бойлигини мустаҳкамлаш миллатимиз руҳиятини мустаҳкамлашдир.


Мақсуда ХОЖИЕВА,
Абу Райҳон Беруний номидаги
Урганч давлат университети
профессори

Бугунги кунда, тезкор глобаллашув ва технологиялар даврида миллий тил ва маънавиятимизга бўлган ғамхўрлик янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Инсонларнинг ҳаёт тарзи, фикрлаш услуби, маданияти доимий ўзгаришда.

ди. Миллий тилимиз – фақатгина гаплашиш воситаси эмас, балки халқнинг тарихий ғурури, фаолият йўналиши ва келажак истикболларининг муҳим элементи. Маънавият тилимиз орқали нафақат фикрлаш, балки ҳис қилиш ва уму-

бирлаштирувчи кучлигидир. Тил йўқ бўлса, маънавият ҳам тарқалади, миллат ўзлигини йўқотади. Шундай экан, тил – халқни бирлаштирган муқаддас тимсолдир. Бу тимсолни қадрлаш, уни асраш-халқимиз маънавий бирлигини мустаҳкамлашнинг асосидир. Тил ва маънавиятни сақлашда ёш авлоднинг роли беқиёс. Улар тилни яхши ўрганишлари, қадрлашлари ва доимий ривожлантиришлари зарур. Маънавиятимиз ва тилимиз – келажак авлодларга бой меросдир. Шу боис ҳар бир ўқитувчи, ота-она, ёшларимизга тилни севиш ва асрашни ўргатишимиз керак. Тил ва маънавиятни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Улар бир-бирини тўлдирувчи, мустаҳкамловчи ва ривожлантирувчи жиҳатларни таш-





ХАЙРИЯ ВА ЭҲСОНЛАР ФИРИБГАРЛАРДАН

ТОЗАЛАНАДИ

– Дадаси, ишқилиб йўқ демасмикан?

– Қани, олдин гаплашиб кўрайлик-чи. Ана ўзи келиб қолди.

– Телефонда сизлар билан гаплашдимми? Келишиб олаимизми?

– Ассалому алайкум! Ука, яхшимисиз? Ҳа, биз эдик. Ўғлимизни операция қилдиришимиз керак. Катта пул кетаркан. Сизнинг видеоларингизни кўриб, кўпчиликка фойдангиз тегаётганини эшитиб, минг истиҳола билан мурожаат қиляпмиз. Илтимос, ёрдам беринг.

– Эй ака, албатта ёрдам берамиз. Ахир савоб керакку одамга. Обунчиларим 1 млн атрофида. Одамларимизниям биласиз-ку, кўлидан келса ёрдамани аямайди. Кўпники йиғилиб дарё бўлади. Энди, ака, бундай қиламиз. Мен ўғлингизни расмга олиб, тагига картангизни ёзиб саҳифамга жойлайман. Фақат картангиз менда туради. Яна – 60/40 бўлади.

– Тушунмадим. Нима олтмишга қирк?

– Эй содда акамаа, йиғилган пулнинг 60 фоизи меники, қолгани сизга. Шуюм ўғлингизнинг операциясига етиб ортади”.

Сўнгги вақтларда Ўзбекистонда хайрия фаолияти, беморларнинг даволаниш харажатларини қоплаш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш каби ҳолатлар ахборот жадаллашуви ва замонавий технологиялар воситасида кундалик ҳаётимизда тез-тез учрамоқда. Аслини олганда хайрия ва эҳсон масалалари бизнинг халқимизга бегона эмас, муҳтожга ёрдам бериш, саховат қилиш қон-қонимизга сингиб кетган қадриятга айланган. Буларнинг барчаси жамоат ишончига таяниб амалга оширилган. Бироқ бугунги кунга келиб, айнан шу ишонч айримлар кўлида “даромад схемаси”га айланиб, “шошилич” карта-йиғимлар, блогерлик орқали ноқонуний воситачилик каби ҳолатларни кўпайтириб юборди. Бошқача айтганда, фирибгарлар инсонларнинг муҳтожлигидан фойдаланиб, эзгу ва холис ниятли кишиларнинг ишончини суистеъмол қилиб, пул топишни ўзига

“қасб” қилиш ҳолатлари ортиб кетди.

Хайр-саховат ва эҳсон табиатан хиссиётлар билан боғлиқ. Лекин кўпчиликнинг эҳсони давлатнинг қонуний кафолати, ҳомийлик хайрияларини жалб этувчи ташкилотларнинг молиявий интизоми ва жамоатчилик назорати билан мустаҳкамланмаса, ишонч

фондлар, ННТлар, муассасалар) олинган хайрия маблағлари бўйича ҳисоб юритиши ва улар ҳақида 10 кун ичида оммавий ахборот воситаларида, расмий веб-сайт ёки ижтимоий тармоқ саҳифаларида маълумот эълон қилиши шарт.

Шунингдек, хайрия олувчи фуқаролар эса эҳсон берган шахс талаби бўлса, қабул қилган маблағларининг сарфи ҳақида маълумот бериши лозимлиги белгиланди.

Бундан ташқари, қонунга кўра

шартлиги талаби қонун билан мустаҳкамланди.

Шу билан бирга, қонунга “блогерлик хайрияси” орқали суистеъмолларни чеклайдиган нормалар киритилди. Яъни, жисмоний шахслар энди фақат ўз эҳтиёжи ёки яқин қариндошлари учун маблағ йиғиши мумкин. Бегона шахслар манфаати учун “воситачилик” қилиб, пулни ўзи йиғиб, ўзи сарфлашга рухсат йўқ. Бу ҳолат қонун бузилиши сифатида кўрилади. Улар энди кўпи билан ахборот эълон қилишга ёрдам бериши мумкин, холос.

Қоидаларни бузиш маъмурий жавобгарликка ҳам олиб келади. Юқоридаги қонун билан, Ўзбекистон МЖТКга 2392-модда (Ҳомийлик тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш) киритилди. Унга кўра, ҳомийлик хайрияларини йиғиш тартибини бузганлик учун фуқароларга 3-5 БҲМ, мансабдорларга 5-7 БҲМ миқдорида жарима белгиланди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, янги ҳуқуқий механизмларнинг жорий этилиши халқ ишончи ва адолатни муҳофаза қилишнинг энг муҳим қадами бўлди. Қонунчиликка киритилган янги нормалар хайрия соҳасида шаффофлик ва жавобгарлик мезонларини белгилаб берди. Энди ҳар бир тўпланган сўмнинг манзили бўлади, ҳар бир эҳсоннинг ҳисоб-китоби очиқ эълон қилинади.

Бошқача айтганда, Ўзбекистонда хайрия ва эҳсонлар фирибгарлардан тозаланади – норма амалиётга айланса, жамоат ишончи янада мустаҳкамланади, хайрия экотизими эса самарали ва барқарор ишлайди.

Дилнур АЪЗАМОВ,
Демократик жараёнларни
таҳлил қилиш маркази
етакчи мутахассиси

Нақд пул орқали хайрия йиғиш эса фақат махсус эҳсон қутиси орқали ўтказилиши қатъий белгиланди. Шунингдек, қути фақат рўйхатдан ўтган хайрия ташкилотлари ёхуд хайрия амалга оширувчи/қабул қилувчи юридик шахслар томонидан қўйилиши, у шаффоф, пломбаланган бўлиши, жойлаштирилиши олдиндан эълон қилиниши, очиш жараёни гувоҳлар ҳузурида видеога олиниб, оммага тақдим этилиши шартлиги талаби қонун билан мустаҳкамланди.

аста-секин таназзулга юз тутати. Жамиятда сахийлик, қўли очиқлик ноёб ҳодисага айлана боради. Бунинг олдини олиш ва кундалик ҳаётимизда кўп учраётган ҳолатларни ҳуқуқий асосга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 21 августдаги ЎРҚ-1083-сонли Қонуни билан “Ҳомийлик тўғрисида”ги ва бошқа қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, ҳомийлик хайрия маблағларини йиғиш, ҳисобини юритиш ва ошкор этиш бўйича аниқ талаблар белгиланди.

Нималар ўзгарди?

Эндиликда ҳомийлик хайрияларини қабул қилувчи юридик шахс-бенефициарлар (масалан,

энди хайрия йиғими фақат олдиндан эълон қилинган муддатда ва аниқ бенефициар (ҳомийлик хайрияларни қабул қилувчи) манфаати йўлида ўтказилади. Бу “чексиз, манзилсиз” пул тўплаш амалиётини чеклайди ва мақсадли сарфни кафолатлайди.

Нақд пул орқали хайрия йиғиш эса фақат махсус эҳсон қутиси орқали ўтказилиши қатъий белгиланди. Шунингдек, қути фақат рўйхатдан ўтган хайрия ташкилотлари ёхуд хайрия амалга оширувчи/қабул қилувчи юридик шахслар томонидан қўйилиши, у шаффоф, пломбаланган бўлиши, жойлаштирилиши олдиндан эълон қилиниши, очиш жараёни гувоҳлар ҳузурида видеога олиниб, оммага тақдим этилиши



АХБОРОТ САВОДХОНЛИГИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Рақамли технологиялар ривожланиш даврида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масалалари янги мазмун касб этмоқда. Жамият ҳаётининг барча соҳалари – сиёсат, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва ҳатто шахсий мулоқот жараёнлари рақамли муҳитга кўчиб ўтмоқда. Шу билан бирга, инсонларнинг ахборот билан ўзаро муносабатлари ҳам мураккаблашиб, ахборот саводхонлиги фуқаролик фаоллиги ва ҳуқуқий онгининг ажралмас таркибий қисмига айланмоқда.

Ахборот саводхонлиги замонавий инсоннинг демократик жамиятда тўлақонли иштирок этиш қобилиятини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Чунки бугунги кунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини фақат қонуний ҳужжатлар орқали эмас, балки рақамли ахборот маконида онгли ҳаракатлар орқали ҳам амалга ошириш талаб этилади. Шахснинг ўз ҳуқуқларини англаш, уларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш қобилияти кўп жиҳатдан унинг ахборотни топиш, таҳлил қилиш, баҳолаш, танлаш ва ундан тўғри фойдаланиш кўникмаларига бевосита боғлиқдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “оммавий ахборот воситаларида ҳолислик ва қонун устуворлигини таъминлаш, профессионал билим ва маҳоратни ошириб бориш, ахборот тарқатишнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, аҳоли ўртасида ахборот, баҳс ва мулоқот маданиятини шакллантириш, жамиятимиздаги турли иллатлар, коррупция балосига қарши курашиш каби долзарб вазифалар бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур” деб айтганлари бежизга эмас. Чунки Инсон ҳуқуқлари тизимида ахборот олиш эркинлиги, фикр билдириш эркинлиги ва шахсий ҳаёт дахлсизлиги каби ҳуқуқлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Ахборот саводхонлиги эса ушбу ҳуқуқларни амалда рўёбга чиқариш воситаси бўлиб,

фуқароларга ҳақиқий ва сохта ахборотни фарқлаш, манипулятив маълумотлардан ҳимояланиш ва онгли қарор қабул қилиш имконини беради.

Ахборот саводхонлиги, ахборот ва медиа манбаларидан самарали фойдаланиш, уларни тўғри баҳолаш ва талқин қилиш кўникмалари мажмуасидир. ЮНЕСКО экспертлари фикрича, ахборот саводхонлиги инсонларнинг ёлғон ва дезинформациянинг фарқлаш кўникмаларини шаклланишига ёрдам беради. Ахборот саводхонлиги тушучаси 2007-йилда ЮНЕСКО томонидан киритилган бўлиб, унда рақамли саводхонлик, танқидий фикрлаш ва ижодий ахборотдан фойдаланиш ҳам қамраб олинган. ЮНЕСКО келтирган статистик маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг 56 фоиздан ортиқ киши кўпинча ҳозирги янгиликларни ижтимоий тармоқлардан кузатади ва рақамли контент яратувчиларни 60 фоиздан ортиғи тарқатаётган маълумотларнинг тўғри эканигини текширмайди. Шу боисдан ахборот саводхонлиги жамиятимиз учун муҳим аҳамиятга эга, чунки ахборот саводхонлиги ҳақиқатга асосланган маълумот олиш ва тўғри хулоса чиқариш кўникмаларини шакллантиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддаси, БМТ-нинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 19-моддаси ҳамда Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 19-моддаларида инсоннинг ахборотга бўлган ҳуқуқлари кафолатланган. Ахборот саводхонлиги ёлғон маълумот, дезинформация, манипуляция ва ҳатто цензура таҳдидларига қарши самарали воситадир. ЮНЕСКО экспертлари таъкидлаганидек, ахборот ва медиа саводхонлиги XXI асрнинг асосий муаммолари, нотўғри маълумотлар ва ёлғон ахборотлар тарқалишини енгиш учун зарур кўникмаларини беради. Яъни бу кўникмалар одамларга маълумот манбаларини

танқидий баҳолаш, ахборот ортида турган манфаат ва мақсадни аниқлаш, фактларни текшириш имконини яратади. Бугунги кунда ми-синформациялар ҳаёт учун хавфли оқибатларга олиб келмоқда: масалан, COVID-19 пандемияси бошида нотўғри маълумотлар туфайли дунё бўйлаб деярли 6 000 киши нафас касаллигига учраган ва тахминан 800 киши вафот этгани қайд этилган.

Бундай воқеалар ахборот саводхонлигининг ҳаётий аҳамиятини яққол кўрсатади. Шу боис ахборот саводхонлиги одамларни ёлғон янгиликларга ишониб қолмасдан, расман тасдиқланган ва далилларга асосланган маълумотларни излашга ўргатади. Ахборот саводхонлиги пропаганда ва манипуляцияга қарши ҳам курашади. Масалан, 2021-йили Медиа Саводхонлик Индексида Финляндия “ёлғон хабар ва дезинформациянинг салбий таъсирларига қарши энг юқори салоҳиятга эга” деб эътироф этилган. Бу мисол шуни кўрсатадики, медиа-саводхонликка катта эътибор берилган жамият нотўғри ахборот таъсирига чидамли қилади. Шу тариқа, ахборот саводхонлиги оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда тарқалаётган нотўғри маълумотларга қарши иммунитет ҳосил қилади.

Демократия учун ҳам ахборот эркинлиги ҳаётий аҳамиятга эга. ЮНЕСКО муносабатига кўра, сўз ва матбуот эркинлиги – жамият барқарорлиги ва тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Ахборот ва медиа саводхонлиги инсон ҳуқуқларининг ўзаро боғлиқ элементи бўлиб, ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ва ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқларидан самарали фойдаланишини таъминлайди. Ахборотдан эркин фойдаланиш ва таҳлилий тафаккур юки билан инсонлар ўз ҳақларини ҳимоя қила олишади: улар қонунлар, ижтимоий жараёнлар, жамоат-сиёсий масалалар ҳақида аниқ маълумот олиш имконига эга бўлади. Шу боис, ах-

борот саводхонлиги фуқароларни ҳуқуқларини яхши билишга, уларни ҳимоя қилиш ва тарғиб қилишга тайёрлайди.

Шунингдек, ахборот саводхонлиги жамиятдаги очиклик, ишонч ва ижтимоий масъулият муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилади. У фуқароларга нафақат ўз ҳуқуқларини англаш, балки давлат органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлашда фаол иштирок этиш имконини беради. Рақамли маконда тўғри ахборот оқимини шакллантириш орқали ахборот саводхонлиги коррупция, ёлғон маълумотлар ва манипуляция каби салбий ҳодисаларга қарши ижтимоий ҳимоя механизминини яратади. Бугунги кунда ахборот саводхонлигини ривожлантириш таълим сиёсати ва инсон ҳуқуқларини тарғиб қилиш стратегиясининг устувор йўналишларидан бири бўлиши зарур. Мактабдан тортиб олий таълимгача бўлган барча босқичларда рақамли тафаккур, ахборот маданияти ва танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш инсон капиталининг сифатини оширади.

Ахборот саводхонлигини юксалтириш нафақат индивидуал даражада, балки ижтимоий барқарорлик, миллий хавфсизлик ва давлат бошқарувида самарадорликни ошириш омили сифатида ҳам эътироф этилиши керак. Чунки фуқаролар ахборот манбаларини танқидий таҳлил қила олган, рақамли маконда фаол ва онгли иштирок этган жамиятда демократик кадриятлар барқарор ривожланади, инсон ҳуқуқлари эса реал мазмун билан тўлдирилади. Шу тариқа, ахборот саводхонлиги XXI асрда нафақат билим ва технология масаласи, балки инсон ҳуқуқлари, фуқаролик маданияти ва глобал тараққиётнинг асосий омилига айланмоқда.

Наврўзбек АСЛОНОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази таянч
докторанти

Ҳақиқий ижодкор фақатгина ўз ғами билан яшай олмайди. Унинг қувончию изтироби ҳам, орзусию армони ҳам Ватан ва Миллат қисмати билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади. Ватан обод, Миллатнинг шони баланд бўлса, унинг кўнгли ҳам тоғ қадар юксалади. Она замин таназзул гирдобиди, халқи андуҳ комида қолса, энг аввал унинг қалбида тўфон кўзғалади.

БУЮК ШОИРНИНГ ЧЎНГ АРМОНИ

Абдулла Орипов ана шундай буюк қалб эгаси бўлган улуг ижодкор эди. Ватанпарварлик шоир кўнглида ҳаётий тажриба давомида шаклланиб ўсиб борган эмас, бу туйғу унинг асл табиатида мужассам эди. У ватанпарвар бўлиб туғилган. Миллатпарварлик ҳам худди шундай – шоир учун ҳаётий аъмол эди. Япония саёҳати давомида ёзилган шеърлари таҳлили ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Мана бу тўртлик бунинг исботидир:

*Дунёда тугамас экан армонлар,
Ўтди қанча замон, қанча сарбонлар.
Ўтира берибман буюкман дея,
Манзилга етибди бошқа қарвонлар.*

“Дунёда тугамас экан армонлар”. Шоир қандай армонни назарда тутяпти? Қанча замон, қанча сарбонлар келиб-кетса ҳам тугамаган бу армоннинг боиси не?! Табиийки, ижодкор кўнглини ўртаган бу туйғу шахсий кечинма маҳсули эмас. Бу армон Ватан тақдири, Миллат қисмати билан боғлиқ. Шоир Узоқ Шарқ сафарида экан,

Япониянинг тараққиётда биздан нақадар ўзиб кетганини кўрди ва ҳайратланди. Фақат ҳайратланибгина қолмади. Буюк тарихга эга, икки жаҳоншумул Ренессансга муаллифлик қилган мутафаккир аждодларнинг бутунги ворислари замонавий тараққиёт суръатидан асрлар қадар ортда қолганидан кўнгли ўксиди. Ўзга қарвонлар кўзлаган манзилига етганини кўриб, она юрт қарвони депсиниб турганидан юраги ачиди. Қалбини армон ништарлари аёвсиз тилди. Буюк келажак ҳақидаги шиорлар ўртага ташланган бир замонда қолоқликнинг бу янглиғ аянчли даражасига тушганимиздан қаттиқ изтироб чекди. Тўртликнинг: “Ўтира берибман буюкман дея, Манзилга етибди бошқа қарвонлар” деган сатрлари ана шу изтироб ва андуҳ ифодаси ўлароқ яралган.

Ўз-ўзига маҳлиё бўлиш – иллат. Аждодларимиз беназир бўлгани рост. Тарихда ҳайратга арзирли ютуқларга эришганимиздан асло кўз юмиб бўлмайди. Лекин чинакам саодатга эриш-



моқ учун ўтмиш билан фахрланишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бунинг учун ўша аждодларга муносиб яшамоқ, уларнинг ютуқларини янгила-ри билан мунтазам равишда бойитиб бормоқ зарур. Афсуски, биз ҳар доим ҳам бунга муваффақ бўлаверган эмасмиз. Токиода ёзилган юқоридаги тўртлик ана шу чўнг армоннинг шоир қалбида сувратланиши натижасидир. Зеро, “Қарвон” сарлавҳали бу шеър ёзилган 2003 йилда бундай фикрларни айтиш чинакам жасорат бўлгани исбот талаб қилмайди. Шунинг ўзиёқ Абдулла Ориповнинг Ватан ва Миллат дарди билан яшаган, она замин қисмати учун куйинган буюк ижодкор бўлгани далилидир.

Нурбой ЖАББОРОВ

БИТТА ГА БЕПИСАНД ҚАРАГАНЛАР

Бир ҳукмдор котибининг саводсизлигими ёки хатоси туфайли бир бегунох киши отилиб кетган экан. «Казнить нельзя, помиловать!» (Қатл этилмасин, шафқат қилинсин!) деган буйруқни котиб ёзув машинкасида ёзаётиб биргина вергулнинг ўрнини алмаштириб юборади. Натижада «Казнить, нельзя помиловать!» (Қатл этилсин, шафқат қилинмасин!) деб ёзади...

Бугун ижтимоий тармоқ хатто ўз исм-шарифиниям эплаб ёза олмайдиган кимсалар билан тўлиб-тошган. Айрим постлар ва комментарийларни кўриб, рости кўнглинг айнийди. Айрим блогерлар эълон қилаётган матнлардаги хатолардан гапирсангиз, «Ҳозирги замонда сурат, видео гапиради, матн охириги ўринда!», деган ўта «донишмандона» ва «файласуфона» ибораларни ишлатишади.

Бир пайтлар саводсиз одам саводли кишининг олдида ҳаддини билиб, хато қилса мулзам бўлиб ўтирган. Энди-чи, саводсизлик гўёки фахр-ифтихор рамзига айлангандек. Гапирасан, танқид қиласан, аммо кўпчиган сутдек ошиб-тошиб кетаяптики, асло қамаймапти.

Шундай қусурларимиз авж олиб, ривожланиб турган бир пайтда тилимизга, маънавиятимизга болта

ураётгандекмиз. Театрлардан, газета-журналлардан, кутубхоналардан узоқлашяпмиз. «Маънавият керак эмас, интернет бор!» деб айюҳаннос солаяпмиз. «Матбуот, ТВ, радио, театр керакмас, улар қорнимизни тўйдирмайди!» дейдиган бўлдик. Биз қачондан бери қоринга алоқаси бўлмаган бошқа масалалар устига қора чизик тортадиган бўлиб қолдик? Ётиб емоқлик ва семирмоқлик қайғуси фақат ҳайвонларга берилган эмасми? Инсон тафаккур қилиш учун, билим олиш учун ва бешиқдан то қабрга қадар илмини бойитиш учун яратилмаганми?

Бепул тўғарақларнинг аҳволи хароб. Боланинг қизиқиши билан ота-онанинг иши йўқ. Бола текин адабиёт ёки санъат тўғарагидан олиб, пуллик спорт тўғарагига қўйилапти. Лекин унинг спортга рағбати йўқ. Мактабда тарғиботчи бўлиб ишлаганимда, шу нарсаларга гувоҳ бўлганман. Ҳамма фарзандининг келажакда топарман-тутарман бўлишини истайди. Бироқ билимда ва тафаккурда, хат-саводда мукаммал бўлган авлод нафақат ота-онаси, балки мамлакат эртаси учун муҳим эканлигини ҳамма ҳам тушуниб етмаяпти.

Битта вергулга беписанд қараганлар — ўйинчоқ деб ўйлаб атом бомбаси тугмасини босган болага ўхшашади.

Ҳамзабек ТУРДИЕВ



Футбол – бу шунчаки ўйин эмас, балки ҳаётнинг кичик намунаси, ҳаёт мактаби ва ўзига хос фалсафасидир. Майдонда кечган ҳар бир ҳаракат, ҳар бир вазият ва эпизод инсон тақдири ва турмуш йўлини эслатади.

Майдон ва унинг атрофидаги жамоа – жамият аъзолари: кимдир ҳимоячи, кимдир ҳужумчи, кимдир мураббий, кимдир ҳакам, кимдир томошабин ва ҳоказо. Бир ўйинчи қанчалик маҳоратли бўлмасин, жамоавий уйғунликсиз ғалаба қийин. Ҳаёт ҳам худди шундай – инсон оиласи, дўстлари ва жамияти билан бирга ҳаракат қилганда катта натижаларга эришади.

Футбол қоидалари – ҳаёт қонунлари каби. Уларга риоя қилган жамоада адолат ва тартиб бўлади. Жамиятда қонунни бузганларга турли жазо чоралари қўлланилганидек, футболда ўйин қоидасини бузган ўйинчи ҳам огоҳлантирилади, майдондан четлатилади. Бу бизга интизом, масъулият ва қонунга итоат қилишнинг ҳаётий аҳамиятини эслатади.

Гол – инсоннинг орзу ва мақсадларининг тимсоли. Унга эришиш осон эмас: машаққат, сабр, жамоа меҳнати ва қатъият талаб қилади. Ҳар бир гол ортида машғулотлар, изланишлар ва руҳий куч мужассам. Ҳаётдаги ҳар бир ютуқ ҳам худди шундай меҳнат ва матонатнинг самарасидир.

Футбол фалсафаси бизга қуйидагиларни ўргатади: мағлубият – бу якун эмас, балки сабоқ чиқариш имконияти; ғалаба – бу сўнгги натижа эмас, балки масъулиятни ҳис қилиш шарт; жамоа – инсонни кучли қилувчи омил; умид ва ишонч – ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга ундовчи туйғу.

Футболда ҳар бир дақиқа муҳим, ҳар бир қарор натижага таъсир қилади. Ҳаёт ҳам шундай: кечиктирилган бир қадам, бой берилган бир имконият бутун йўлни ўзгартириши мумкин.

Мана шу жиҳатлари билан футбол – ҳаётнинг метафораси. Унда биз ҳаётдаги каби қувонч ва аламни, ютиш ва ютқазишни, сабр ва матонатни, инсон сифатидаги куч ва заифлигимизни кўрамыз. Аслида футбол бизга ҳаётдан сабоқ берувчи кучли фалсафага эга ўйиндир: йиқилсанг, яна майдонга қайт; орзу қилсанг, интилишдан тўхтама; жамоанг билан бирга бўлсанг, ғалабага албатта етасан.

У. ХЎЖАМҚУЛОВ.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш сўнгги йилларда мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар дастурининг муҳим йўналишига айланмоқда.

ОЧИҚ ҲУКУМАТ ВА ШАФФОФ БОШҚАРУВ

Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси коррупцияни камайтириш, давлат идораларининг ҳисобдорлигини ошириш ва фуқаролар ишончини мустаҳкамлаш орқали иқтисодий ўсишни тезлаштиришга қаратилган.

Бу ислохотлар натижасида 2025 йилга келиб мамлакатда шаффофлик соҳасида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Халқаро Валюта Жамғармасининг 2025 йилги ҳисоботида кўра, Ўзбекистонда амалга оширилаётган фискал ислохотлар давлат маблағларидан самарали фойдаланиш, ҳисобдорлик ва шаффофликни оширишга хизмат қилмоқда.

“Ўзбекистон–2030” стратегияси коррупциянинг олдини олиш, қонун устуворлигини таъминлаш ва бошқарув тизимини ислох қилишни мақсад қилган.

2025 йилда амалга оширилаётган хусусийлаштириш дастури орқали давлатнинг иқтисодиётдаги улуши 75 фоизга камайиши кутилмоқда. Бу рақобатбардош бозор иқтисодиётини шакллантириб, хусусий сектор фаоллигини оширишга йўл очмоқда.

Германия Халқаро Ҳамкорлик Жамияти (GIZ) томонидан амалга оширилаётган “Яхши бошқарув” лойиҳаси ҳам бу жараёнда муҳим аҳамият касб этмоқда. Лойиҳа доирасида давлат идораларини ислох қилиш, коррупцияга қарши кура-

шиш ва фуқаролик жамиятини фаол жалб этиш йўналишларида амалий натижаларга эришилмоқда.

Жаҳон Банки маълумотларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва хусусий секторни ривожлантириш борасида катта ютуқларга эришган.

Heritage Foundation’нинг 2025 йилги Иқтисодий озодлик индексида мамлакат рақобатбардош бозор тизимини яратишда муҳим натижалар қайд этган. Бу ўзгаришлар иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатмоқда: Халқаро Валюта Жамғармаси маълумотларига кўра, 2025 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиши 5–6 фоизни ташкил этди, хорижий инвестициялар ҳажми 20 фоизга ошган. Бу эса янги иш ўринлари яратилиши ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, фуқаролик жамияти фаоллигининг ошиши БМТ-нинг Барқарор ривожланиш мақсадларига мос равишда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамламоқда. Бироқ, очиқликни таъминлашда айрим муаммолар ҳам йўқ эмас.

Айрим ҳолатларда давлат органлари фаолияти ҳақидаги маълумотларни очиқ эълон қилиш мажбурияти белгиланган бўлса-да, баъзи идоралар маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ жойлаштираётгани кузатилмоқда.

Бу каби муаммоларнинг мавжуд-

лиги тизимли ислохотларни янада кучайтириш, жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш, рақамлаштириш жараёнларини жадаллаштириш заруратини кўрсатмоқда.

Давлат идораларининг очиқлик ва шаффофлигини таъминлаш борасида Эстониянинг рақамли бошқарув тизими орқали 2025 йилда давлат идоралари фаолиятининг очиқлиги 95 фоизга етиб, коррупция даражаси 80 фоизга қисқаргани, Финляндия фуқароларида махсус электрон платформалар орқали ҳукумат қарорларини доимий равишда кузатиб бориш маданияти шакллангани, Янги Зеландия ўзининг очиқ маълумотлар портали ва фуқароларнинг фаол иштироки туфайли Transparency International рейтингда доимо юқори ўринларни эгаллаб келаётгани юқоридаги фикрларимизга асос бўлади.

Хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан келиб чиқиб, келгусида:

қонун ижросини таъминлаш учун электрон назорат тизимларини жорий этиш ва рақамли инфратузилмани ривожлантириш;

коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти ва нодавлат ташкилотларни фаол жалб этиш;

суд мустақиллигини таъминлаш учун халқаро стандартларга мос қонунлар қабул қилиш ва судьяларни

танлаш жараёнини шаффофлигини ошириш;

оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш ҳамда журналистларни қўллаб-қувватлаш учун иқтисодий ва ҳуқуқий чоралар кўриш;

халқаро ҳамкорликни кучайтириш, жумладан, GIZ ва ХВЖ билан ҳамкорликда лойиҳаларни давом эттириш, соҳада юқори натижаларга эришган давлатлар билан ўқув сафарларини ташкил этиш мақсада мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш жараёни янги босқичга кўтарилмоқда.

Бу ислохотлар иқтисодий ўсишни таъминлаб, жамиятда ишонч ва барқарорлик муҳитини яратмоқда. Айрим қийинчиликлар сақланиб қолган бўлса-да, уларни босқичма-босқич бартараф этиш ва халқаро тажрибаларни мослаштириш орқали мамлакат шаффофлик даражасини янада ошириши мумкин.

Рақамлаштириш ва очиқ маълумотлар тизимини ривожлантириш эса Ўзбекистонни фуқаролар ишончига асосланган, глобал рақобатбардош давлат сифатида мустаҳкамлайди.

Улуғбек МУСАБЕКОВ,
Демократик жараёнларни
таҳлил қилиш маркази
мутахассиси

ИЛМИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ЗАРУР

Олимлар орасида ўз фанининг мавқеини бошқа фанлардан устун қўйиш билан боғлиқ номақбул бир иллат урчиётгани кишини ранжитади. Бундай иллат билан “касалланганлар” тушуниб-тушунмаган ҳолда бошқа бир фanning мавқеини пасайтиришга, ҳатто инкор этишгача ҳам боришмоқда.

Аслида, ҳақиқий олимман деган “фан” тушунчасининг моҳиятини яхши тушунади. Ҳақиқий олимман деган муайян фан ҳақида юзаки фикр билдириш камида ўзининг савиясини фош этиш ва ноқулай аҳволга тушиб қолиш билан жазоланишини ҳам яхши билади. Ҳақиқий олимман деган барча фанлар ўз ўрнида зарур ва шарт эканлигини-да яхши англайди.

Педагогикани фан сифатида кўра олмаслик, англмаслик, фарқламаслик билан боғлиқ синдром аниқ ва табиий фан вакиллари орасида кузатилмоқда. Ушбу фан вакиллари томонидан бўлаётган эътирозлар педагогикадан амалга оширилаётган тадқиқотлар сони ва сифатига нисбатан бўлмоқда.

Сон бўйича. Мазкур эътирознинг ўзиёқ эти-

роз муаллифининг педагогикани фан сифатида етарли даражада англмаслигини билдиради. Ҳурматли ҳамкасблар! Битта ҳақиқатни тушунишларингизни истардим. Одатда, математикадан математиклар, физикадан физиклар, филологиядан тил ва адабиётчилар (баъзи истисно ҳолатлар бор, албатта) илмий тадқиқот иши олиб боришади. Лекин педагогикада бундай эмас. Бугунги кунда фанлар реестрида 22 та фан тармоғи мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммасида педагогик тадқиқотлар олиб бориш мумкин. Нафақат мумкин, балки зарур. Чунки фан борки, уни ўқитиш методикаси бор ва улар ўзаро фарқ қилади. Шундай экан, фундаментал математикадан (физикадан, химиядан, биологиядан, техникадан ва ҳоказо) битта диссертация ҳимоя қилинганда, педагогикадан йигирма иккита диссертациянинг ҳимоя қилиниши уларнинг нисбати ўзаро тенг кетаётганини билдиради.

Сифат бўйича. 2022 йилги PISA натижаларида Ўзбекистонлик ўқувчилар “математик саводхонлик” бўйича 81 та давлат орасида 364 балл билан 72-ўринни эгаллади. Шундай вазиятда ҳурматли математикларнинг педагогикадан амалга оширилаётган тадқиқотларнинг сифати паст дейишларига маънавий ҳақлари борми?

Агар бизда математикадан амалга оширилаётган тадқиқотлар сифатли бўлса, математик олимларимиз кучли бўлса, нега у таълимда акс этмаяпти? Балки уларнинг педагогикани, методикани, дидактикани тан олмаётганликлари бунга сабабдир...

Тўғри англадингиз. Аини пайтда бизда барча фан тармоқларида амалга оширилаётган тадқиқотларнинг сифати бир хил: биримиз иккинчимизга эътироз қила оладиган ҳолатда эмасмиз. Жамиятнинг даражаси билан ўша жамиятда амалга оширилаётган тадқиқотларнинг сифати ўзаро пропорционал бўлади. Илм-фани илғорлашиб кетган, лекин ўзи қоқоқ жамият бўлмаганидек, илм-фани қоқоқ, лекин ўзи илғорлашиб кетган жамият ҳам бўлмайди. Бир-биримизни эмас, ўзимизни ўзимиз танқид қилайлик, ҳозирги даражамизни тан олайлик ва жамиятни илм-фан билан бирга ривожлантирайлик.

Ҳурматли математиклар, физиклар, химиклар, биологлар... Педагогикадан илмий тадқиқотлар қўпаяётган бўлса, бундан гашиланманг, аксинча, қувонинг. Ҳақиқий олимларга хос сифатлардан бири бағрикенгликдир!

Умид ХЎЖАМҚУЛОВ,
педагогика фанлари доктори, профессор.



СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖАДАЛ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Куни кеча Президентимиз раислигида давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда соҳа ривожига қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Бугун жаҳон тез суръатларда сунъий интеллект даврига қадам қўймоқда. Инсон фаолиятининг деярли барча йўналишларига кириб борган ушбу технологиялар иқтисодиёт, таълим, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва давлат бошқарувида самарадорликни кескин ошириш имконини бермоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, бу жараёнда изланиш ва натижа билан илгариланган давлатларгина ютуққа эришади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ушбу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилди. Қисқа вақт ичида 30 дан ортиқ пилот лойиҳалар ишга тушди, “Сунъий интеллектни

2030 йилгача ривожлантириш стратегияси” қабул қилинди, соҳани мувофиқлаштирадиган махсус марказ ташкил этилди. Бу ҳаракатлар натижасида мамлакатимиз халқаро рейтингда 17 поғона юқорилаб, Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллади.

Йиғилишда энг муҳим масала сифатида инфратузилма, очик маълумотлар ва кадрлар тайёрлаш устувор йўналишлар этиб белгиланди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар — суперкомпьютерлар ва “Дата-марказ”ларни кўпайтириш, Қорақалпоғистонда имтиёзли инвестиция муҳитини яратиш,

сунъий интеллект инфратузилмасига сармоя киритувчилар учун қулай шароитлар яратиш соҳанинг барқарор ривожига хизмат қилади.

Шу билан бирга, давлат маълумотлар базаларини ягона марказга бирлаштириш, “спутник интернет” операторлари орқали олис ҳудудларни юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш каби чоралар миллий рақамли муҳитни мустаҳкамлайди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган яна бир муҳим ғоя — сунъий интеллектни миллий тил ва маданиятимиз билан уйғун ривожлантириш масаласи бўлди. “Ўзбек тили корпуси”ни яратиш, адабиётлар ва илмий ишларимизни рақамлаштириш орқали сунъий интеллект тизимларининг ўзбек тилини чуқур тушуниши таъминланади. Бу нафақат илмий, балки миллий маънавий аҳамиятга ҳам эга ташаббусдир.

Ёш авлодни бу жараёнга жалб этиш мақсадида “Информатика” фанларига сунъий интеллект мавзуларини киритиш, Массачусетс технология институти билан ҳамкорликда дунё стандартларига мос дарсликлар тайёрлаш, “Бир миллион сунъий интеллект етакчиси” дастурини кенгайтириш ва “Энг яхши сунъий интеллект стартап” танловини ташкил этиш каби ташаббуслар — келажак кадрлар салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Умуман олганда, белгилаб берилган вазифалар Ўзбекистонда сунъий интеллект экотизимини шакллантириш, илмий ва амалий салоҳиятни бирлаштириш, давлат, бизнес ва таълим соҳалари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш учун мустаҳкам асос яратаяди.

Бехзод ТЎХТАМУРОВОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

АДИБЛАР ХИЁБОНИДА «МАЪРИФАТ УЛАШИБ» ЛОЙИХАСИ

Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти томонидан Адиблар хиёбонида “Маърифат улашиб” лойиҳаси доирасида маърифий учрашув ташкил этилди.

Тадбирнинг асосий мақсади — талаба-ёшларни китоб мутолаасига жалб этиш, бадиий саводхонлик даражасини ошириш, уларни ватанпарварлик ва юрт келажигига дахлдорлик руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Тадбир Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 36 йиллиги муносабати билан ташкил этилди. Унда халқимизнинг сеvimли адиби Маматкул Ҳазраткулов талаба-ёшларга ўзбек тилининг тарихи, ривожланиш жараёни ва бугунги нуфузи ҳақида қимматли маълумотлар берди.

“Тилга эътибор — миллатга эътибор”, де-



ган ғоя тадбирнинг бош шиори бўлиб, унда тилимизнинг жамиятдаги ўрни, нуфузи ва маданиятини юксалтириш масалалари ёритилди.

Мазкур учрашувда атоқли ижодкорлар, адиблар, институт профессор-ўқитувчилари, ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи, декан ўринбосарлари,

талаба-ёшлар ҳамда адабиёт ихлосмандлари иштирок этдилар.

Лойиҳанинг навбатдаги тадбирлари доирасида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолари, таниқли ижодкорлар Мақсуд Жонихонов ва Зухро Эшонкулова институт ҳамда мактабларда меҳмон бўлишди.

Ўз мухбиримиз.



Оила – муқаддас Ватан. У халқ ва жамият ҳаёти, турмушига оид урф-одатларни ўзида синовдан ўтказди. Ўз бағрида фарзандларни тарбиялаб, уларга умуминсоний қадриятларни сингдириб, бошланғич ижтимоий йўналиш беради. Шу боис ҳам юртимизда оила авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, фарзандлар камолга етадиган азиз даргоҳ сифатида улуғланади.

ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ БИТИМ

Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий истиқболига кенг имкониятлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам оилаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳуқуқий асосда ҳимояланди. Шунингдек, азалий анъаналаримизни ўзида мужассам этган Оила кодекси ва кўплаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. Қолаверса, юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёни бу борадаги эзгу анъана ва урф-одатларимизни янгича маъно ва мазмун билан бойитиб бормоқда. Жумладан, оилавий турмушнинг ҳуқуқий асосини белгиловчи никоҳ шартномаси оила мустаҳкамлигини таъминлаш, эр-хотин ўртасидаги мулкӣ муносабатларни тартибга солиш ва қафолатлаш каби масалаларда муҳим омил хизмат қилади.

Оила кодексига биноан, никоҳ шартномаси-никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврда ёхуд эр ва хо-

тин никоҳдан ажралган тақдирда, уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишувдир.

Оила ҳуқуқий асосларининг узвий бир қисми бўлмиш никоҳ шартномаси-никоҳнинг расмий қайд этилиши, унда иштирок этаётган йигит ва қизнинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқларини юзага келтиради. Оила қураётган бугунги ёшлар ичида бу жараёнга, тадбиркорлик қобилияти ёки интеллектуал салоҳияти билан моддий-молиявий жиҳатдан анча нарасага эришганлар кўпчилики ташкил этади. Эр ва хотиннинг никоҳга ҳаётга тегишли бўлган мол-мулк, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа битимлар асосида олган мол-мулк фақат ўзининг мулкӣ ҳисобланади. Шу маънода эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкӣ эса уларнинг никоҳ давомида орттирган, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар умумий маблағлари ҳисобига олинган буюм ёки бошқа нарсалари бў-

лиши мумкин.

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар ёки никоҳ даврида тузилиши мумкин. Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган шартнома у давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради. Шартнома ёзма шаклда тузилади ва албатта нотариал идора орқали тасдиқланиши шарт.

Никоҳ шартномасини тузишда томонларнинг паспортларига кўра шахслари аниқланади. Никоҳ тузишдан олдин никоҳ шартномасини тузишга келганлар билан нотариус томонидан суҳбат ўтказилгач ёки эр-хотиннинг никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳномаларига асосан, бу шартнома нотариал тасдиқланиш учун қабул қилинади. Нотариус шартноманинг мазмуни амалдаги қонунларга зид бўлмагандагина тасдиқлашга ҳақли.

Никоҳ шартномаси эр-хотин ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган низоларни суд жараёнида тўғри ва адолатли ҳал қилинишида ёрдам беради.

Муҳими, никоҳ шартномасини тузиш ихтиёрийдир. Яъни, бундай шаклдаги шартномани тузиш ёки тузмаслик эр ва хотиннинг ўзига боғлиқ.

Никоҳ шартномасининг яна бир афзаллиги шундаки, у ўзида нафақат эр-хотиннинг мол-мулкӣни вужудга келтириш ёки унинг ҳуқуқий тартибини ўзгартириш, шу билан бирга, эр-хотиннинг бир-бирига моддий таъминот беришини тартибга солишини ҳам акс эттиради. Шу боис, никоҳ шартномасини фақат мулкӣ низоларни ҳал қилишга ёрдам берувчигина эмас, балки никоҳни мустаҳкамловчи омил деб қараш ҳам мумкин.

Дарҳақиқат, инсон ҳаёти давомида ҳар томонлама тўқис, осойишта, хотиржам ва бахтли яшаши учун ҳуқуқий тартиб-қоидаларга оғишмай амал қилса, қурилган оиланинг пойдевори мустаҳкам бўлиши шубҳасиз.

Нилуфар НАСРИТДИНОВА,
Мирзо Улуғбек тумани ФХДЁ
бўлими 2-тоифали инспектори



Муаммо

Жамоат жойларида айримларнинг рафторию ҳатти-ҳаракатини кўриб, уялиб кетасан киши. Наҳотки шулар биздан бўлса, гўзал хулқи, феъли-атвори билан маълум бўлган халқимиз вакиллари шулар деган ҳаёлга борасиз. Оддий ҳолатларда ўзини тутолмайдиган, жамоат жойларида қабул қилинган юриш-туриш нормаларига бепасандликда муносабатда бўладиганлар бошқа миллатлар орасида халқимизни обрўсизлантирганлигига кўплар гувоҳ бўлган.

Навбатда тура олмаслик, жумладан аэропортларда ва самолёт ичидаги салбий ҳолатлар, жамоат жойларида баланд овоз билан гаплашиш, телефон овозини кўтарган ҳолда суҳбат қуриш, ҳатто жамоат ҳожатхоналаридан фойдалана олмаслик каби ҳолатлар кўпчилигимизга маълум. Ушбу қусурлар ҳақида мисоллар асосида алоҳида суҳбатлашармиз.

Ҳозир дам олиш уйлари ва санаторийларда ўзим кўп марталар гувоҳи бўлган дилни хира қилувчи ҳамда ҳордиқ чиқаришу даволанишга салбий таъсир қилувчи иллатлар ҳақида сўз юритмоқчиман.

Бундай жойларга дам олиш ёки даволаниш учун келасиз. Ҳозир деярли барча асаблари та-

САНАТОРИЙДАГИ ҲАНГОМАЛАР

ёхуд жамоат жойларида ўзимизни тутишни қачон ўрганамиз?

ранг ҳолатда юради. Асабни тинчлаштириш учун дам олгани чиққанларни кераксиз, варсоки ва бемаъни, мантиқсиз гап-сўзлар билан безовта қилиш зрурми?

Юртимизнинг турли санаторийларида бўлиб, улардаги ходимлар ҳам, даволанувчилар ҳам оддий тартиб-интизомга риоя этмасликларига гувоҳ бўлганман. Бино ичидаги йўлакларда, муолажа хоналарида, муолажа олаётган пайтда бир-бири билан баланд овозда гапириш, телефон овозини кўтариб қўйган ҳолда гаплашиш оддий ҳол бўлиб қолган. Афсуски, бундай даволанувчиларга танбех бериб, тартибга чақириш ўрнига ходимларнинг ўзлари ушбу тартибсизликларга бош бўлади.

Авваллари, эскидан эски Ўзбекистон санаторийларида ҳар муолажанинг вақти дафтарчангизга ёзиб қўйиларди. Ўша вақда бориб муолажани олардингиз. Аммо ҳозирда ҳамма жойда “тирик навбат” тартиби ўрнатилган. Вақтингизнинг анча қисми навбат кутишга кетади. Тошкентдаги анча номи чиққан санаторий раҳбаридан олдинги тартибга ўтиш мумкин эмасми деб сўраганимда, ҳозирги даволанувчилар билан, уларнинг маданият даражаси билан бу ишни амалга ошириб бўлмаслигини уқтириб, шундай деган эди:

“Биз бундан бир неча йил аввал даволанувчиларнинг муолажа вақтини белгилаб, дафтарчасига ёзиш тартибини жорий этган эдик. Аммо одамларимиз тартибсизлиги туфайли уни бекор қилдик. Айримлар белгиланган вақтида муолажага келмасдан бошқа вақтга келиши, жанжалга

сабаб бўлди. Бу ҳолат такрорланавергач, ундан воз кечдик”.

Гувоҳи бўлганингиздек, айримларнинг манманлиги, оддий тартиб-қоидаларни менсимаслиги кўпчиликка зиён етказмоқда.

Санаторийларда даволанишга келганларнинг ўз соғлигига ўзи зиён етказганлигига ҳам кўп марталар гувоҳ бўлганман. Айримлар қанча кўп есам, қанча кўп чўзилиб дам олсам, қанча кўп ухласам, қанча кучли дори қабул қилсам... шунча яхши деб ўйлайди. Худди шу аҳволни ванна қабул қилиш жараёнида ҳам кўриш мумкин. Санаторийдаги сувнинг хусусияти, даволанувчининг ҳолатига қараб ваннадаги сувнинг ҳарорати ва уни қабул қилиш вақти белгиланади. Аммо айримлар сув қанча иссиқ бўлса, қанча чуқур (кўкрак қафасига эмас, бўйингача) ва кўп вақат унинг ичида ётса, шунчалик фойда деб ўйлайди. Ана шу қарашларига асосланиб ванна қабул қилишади ва ўзини оғир аҳволга солиб қўяди. Афсуски, ваннадан чиқмасдан жон таслим қилинган ҳолатлар йўқ эмас.

Бу мисоллар умумий маданиятимиз пастлигидан далолат эмасми?

Яна ўша эски савол: НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

Зиё, маърифат, маданият Шарқдан тарқалган деймиз. Бир вақтлар ота-боболаримиз ўз ахлоқ-одоби, жавонмардлиги билан ном қозongan. Ҳозир-чи? Бизга нима бўлди? Шундай давом этаверса, қаергача етиб борамиз?

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ



Тинчлик, осойишталик, хотиржамлик, ҳаловат халкимизнинг азалий ва абадий кадриятлари сирасига киради. Ҳар қандай салом ва каломнинг аввали “тинчликми?” деган сўздан бежиз бошланмайди. Шу маънода “тинчлик ўз уйингдан, остонангдан бошланади” дея тез-тез такрорланиши беҳуда эмас.

ОСОЙИШТАЛИК, ҲАВФСИЗЛИК – ҲАМЖИҲАТЛИККА БОҒЛИҚ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маҳаллаларда ҳавфсиз муҳит яратиш, ташкилий-профилактик тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, бу борада давлат мулозимлари ва корхона, ташкилот ҳамда идора раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтириш юзасидан имзолаган қарорлари бу борадаги ишларнинг ривожда дастуриламал бўлди.

Ўзбекистон Республика Криминология тадқиқот институти томонидан бу борада аниқ иш режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ижроси юзасидан тизимли фаолият олиб борилмоқда. Тошкент вилояти Ўрта Чирчик тумани “Уйгур” маҳалласида олиб борилган ўрганиш ишлари таҳлили натижаларига кўра, қуйидагилар маълум бўлди:

Маҳаллада 10 та кўча, 1 011 та хонадон мавжуд бўлиб, 1232 та оила истиқомат қилади. Аҳоли сони 3 630 нафар бўлиб, шундан 1830 нафари хотин-қизлар, 1754 нафари эркаклар, 1 659 нафари ёшларни ташкил этади.

Маҳалла аҳли асосан қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик билан шуғулланади.

– 2023 йилда жами 27 та жиноят қайд этилган бўлиб, шундан 8 тасининг олдини олиш мумкин эди, хусусан:

2 та енгил тан жароҳати, 2 та ўғрилиқ, 2 та босқинчилик, 2 та фирибгарлик.

– 2024 йил да жами 29 та жиноят қайд этилган бўлиб, шундан 5 тасининг олдини олиш мумкин эди, хусусан:

1 та енгил тан жароҳати етказиш, 3 та ўғрилиқ, 1 та оилавий (маиший)

зўравонлик.

– Жорий йилнинг 8 ойида маҳалла ҳудудида 8 та жиноят содир этилиб, шундан 6 тасининг олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар ҳисобланади, хусусан:

3 таси ўғрилиқ, 1 таси оғир тан жароҳати етказиш, 1 таси ўртача оғир тан жароҳати етказиш, 1 та оилавий (маиший) зўравонлик.

Ушбу жиноятларнинг олдини олиш, содир бўлмаслигига эришиш мумкинми? Ҳа, мумкин эди. Хусусан, маҳала “еттилиги”нинг фаолиятидаги нуқсонлар, 10 та кўчага 49 донa видео-кузатув камералари ўрнатилмаганлиги-асосий сабаб ҳисобланади. Масалан, “Равнак” кўчасида 60 хонадон бўлиб, факат кириш-чиқиш жойларигагина камера ўрнатилганлиги, ҳавфсизлик масаласи тўлиқ таъминланмаганлиги, ушбу масалада, тегишли мутасадди ташкилот раҳбарларига, ички кўчаларга 12 та кўшимча равишда кузатув камералари, кўча электр устунларини замонавий ёртиш чироқларига алмаштириш лозимлиги тўғрисида хатлар киритилиб, ижроси қатъий назоратга олинди.

Шунингдек, ўрганиш жараёнида “Ёшлик” кўчасига ўрнатилиши лозим бўлган 51 та камера ўрнига бор-йўғи 26 тагина камера ўрнатилганлиги ачинарли ҳолдир. Тегишли ташкилотлар томонидан ушбу кўчага 126 та ёритиш чироқларини ўрнатиш режалаштирилган бўлса-да, аммо шу кунга қадар бор йўғи 26 та чироқ ўрнатилган ҳолос.

Туман ҳокимияти мутасаддиларига ушбу муаммони бартараф этиш юзасидан тегишли йўл йўриқ берилди.

Ўрганиш жараёнида “Уйгур” маҳалласидаги “Ёшлик” кўчасида 15 та янги кўп қаватли уй қурилган булсада, ушбу уйларга коммунал хизматлар кўрсатиш учун Бошқарув сервис компаниялар (БСК) ташкил этилмаганлиги, ушбу уйларга хизмат кўрсатилмаётганлиги, атроф-муҳит қаровсиз ҳолатда эканлиги, кириш йўлакларидagi 8 тагина эшикка кодли кулф ўрнатилганлиги, 8 та кириш йўлакларидa ёритиш чироқлари мавжуд эмаслиги, 15 та кўп қаватли уйлар аҳолиси учун маиший чиқинди йиғиш қутилари мавжуд эмаслиги, аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиши масаласидаги муаммолар ҳам аникланиб, туман ҳокимияти мутасадди ташкилотлар ва маҳалла “еттилиги” фаоллари иштирокида аникланиб, ижросини таъминлаш кўрсатиб ўтилди.

Энг муҳими, маҳаллага бириктирилган раҳбарларнинг масъулиятини ошириш, айниқса, Пост-патруль хизмати, Қўриқлаш, Жиноят қидирув бўлими ходимларининг ҳамкорлигини кенг йўлга қўйиш, бу борадаги вазифанинг самарадорлигини оширишда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Алишер АБДУГАППАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Криминология тадқиқот Институти
марказ раҳбари.

Шавкатбек МУРЗАЖАНОВ,
институт илмий тадқиқотчиси.

МУАССИСЛАР:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1010
Адади: 1600
Пайшанба кuni чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

Демак, ҳали яшаса бўлади...

Машинамни автожойга (автотураргоҳ сўзи узун ва ғализ туюлади менга) қўярканман, эътиборсизлик қилиб янгигина «Трекер»нинг ёнбошини туртиб юборсам бўладими. Тушиб қарасам, машинанинг орқа эшиги эзилган. Сўнг келиб ўзимникига боқдим – билинар-билинемас қирилган, холос.

Телефон рақамим ёзилган қоғозни «Трекер»нинг ойнак тозалагичига қистирар эканман, машина ичкарасида телефон рақамга кўзим тушди. Саросар солсам, машина ичи саранжом-саришта, ҳамма ёқ ёғ тушса ялагудек топ-тоза. «Машинасига шунча эътибор бергич одам, бўлган воқеани эшитса, нақ тўполон қилворса керак», деган хавотирли ўй хаёлимдан ўтди. Ўзимни уришдим – 30 йилдир бировнинг машинасига бориб урмаган одам келиб келиб теп-текис жойда, тўхтаб турган машинани ҳам урасанми, нодон?..

Шундай ўйлар билан рақам тердим. Йигит кишининг овози келди.

– Фалон рақамли оқ «Трекер» сизданми?

– Ҳа.

– Шу десангиз, машинангизни озроқ туртиб юбордим, узр... Жиддий эмас. Лекин, барибир, устага бориш керак бўлади. Харажатини коплайман. Отим – Улуғбек. Шу рақамдаман, бироздан кейин дарсга кириб кетаман, устага борганингизда кўнғироқлашайлик.

– Хўп, хўп...

Ажаб, мен кутгандек бўлмади, машинанинг эгаси «портлаб» кетмади.

Аммо орадан 10 ё 15 дақиқа ўтиб, кўнғироқ бўлди.

– Ҳозир менга сиз телефон қилган мидингиз?

– Ҳа, мен.

– Ўзингизга ҳеч нима қилмадим?

– Йўқ, соппа-соғман.

– Ҳа, яхши, соғ бўлсангиз бўлди.

– Ҳой тўхтаб, уста харажатлари...

– Керак эмас, ўзим ҳал қилиб оламан.

– Ҳой...

– Соғ бўлинг!..



– Оллоҳ бошқа жойдан тўлдирсин!.. – дея олдим аранг.

У телефонни қўйди.

Мен негадир ҳижолат бўлиб қолдим. Кейин эса ичим ёришиб кетди. Йўқ, 200-300 доллар ёнимга қолганидан эмас, дунёда шундай одамлар ҳали-ҳануз тирик юрганидан севиндим.

Бундан 15 йиллар бурун ҳам машинам кулфланиб қолиб, шунга яқин ҳодиса рўй берганда, «Яхши одамлар» деган ҳикоя ёзилганди. Ҳозир бўлиб ўтган воқеада ҳикоя кўрмадим, лекин яхши одамни, унинг яхшилигини аниқ кўрдим. Яна денг, одамнинг ўзини кўрмай туриб, яхшилигини кўрдим, ҳис қилдим.

Демак, дунёда ҳали яшаса бўлади... Демак, дунёда яхши ва олижаноб одамлар кўп...

Улуғбек ҲАМДАМ



Мамлакатимиздаги энг йирик саноат корхоналаридан ҳисобланган “Ўзбекнефтгаз” АЖ “Муборак газни қайта ишлаш заводи” фаолият юритаётганига ҳам 55 йил бўлаяпти. Мазкур корхона асосан табиий газни олтингугуртли бирикмалардан тозалаш ва қуриштириш, олтингугурт ишлаб чиқариш, барқарорлашмаган газ конденсатини барқарорлаштириш ҳамда суюлтирилган газ ишлаб чиқариш учун мўлжалланган.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – ЭЪТИБОРДА



Дастлабки йилларда санокли цех ва бўлимларда фаолият олиб борилган бўлса, йилдан-йилга газни қайта ишлашга бўлган эҳтиёж ошган сари замонавий технологик қурилмалар сафи кенгая борди. Шунга яраша иш ўринлари яратилди.

Олисдан қурилмалардан “зангори олов” кўзга ташланади. Завод дарвозасига яқинлашар экансиз, атроф қўкаламзорлашгани беихтиёр кайфиятни кўтаради. Корхонага қарашли кўркам биноларга йўловчи ихчам, асфальт йўлақлар, анвойи гуллар ифори эътиборингизни тортади. Завод ҳудудини “Мўъжазгина газчилар шаҳарчаси” дея таърифлаш мумкин. Чор-атроф

тоза ва озода. Махсус кийимдаги ишчилар ўз юмуши билан банд. Махсус транспортлар текис йўлда эркин ҳаракат қилади... Қурилма ва цехларда куну, тун ҳаёт қайнайди. Иш жараёнлари уч сменада ташкил этилган.

Ҳар йили ишчи - хизматчиларнинг меҳнатлари боис, иш унумдорлиги ошиб, режалар ўз вақтида удаланаяпти. Ҳозирда 3300 нафарга яқин ишчи – хизматчи меҳнат қилади. 408 нафар олий маълумотли мутахассислар университетларда олган назарий билимларини ама-

Зеро, ҳар бир инсон ўзи ва меҳнати кадрланган жойга меҳр қўяди.

Биз ҳикоя қилаётган саноат корхонасида ишчи-хизматчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлигини тиклаш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш орқали уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишларини таъминлаш борасида бир қатор ижодий ишлар амалга оширилаяпти.

Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Шароф Раҳматовнинг таъ-

ларда замонавий ювиниш, кийиниш хоналари мавжуд. Меҳнат шароитларни яхшилаш мақсадида барча ишлаб чиқариш цехлари музлаткич ва кондиционерлар билан таъминланган. Тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида соатига бир тонна сувни қайта ишлайдиган “Тескари Осмос” сувни филтрлаш қурилмаси ўрнатилгани боис барча ишчи – хизматчилар тоза ичимлик суви билан таъминланмоқда.

Завод ишчи-ҳодимлари соғлигини тиклаш ва касб касалликларини олдини олиш мақсадида цехлар кесимида 11 та тиббиёт хоналари ташкил этилганлиги ҳамда 250 ўринли ишчилар ошхонаси хизматида газчилар мамнун.

Меҳнатдан сўнг маънавий-маънавий тадбирлардан баҳраманд бўлишга не етсин?! Ишчилар дам олиш соатларида маърифат хоналарида бўлиб ўзларини қизиқтирган бадий асарлар, газета ва журналлар мутолааси билан машғул бўладилар. Ўтган йилдан бошлаб, байрамлар арафасида “Театр кунлари” ўтказилаётгани айтиш муддао бўлди. Қашқадарё вилояти мусикали драма театри репертуаридан ўрин олган тарихий ва замонавий спектакллар барча театр санъати мухлислари қатори Муборак газни қайта ишлаш заводи жамоасининг эътиборига сазовор бўлаяпти.

Абдулла АЙИЗОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси



лиётда қўллашяпти. Устоз-шогирд анъанасига кўра 304 нафар 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар тажрибали мутахассислар билан ёнма-ён, бамаслаҳат ишлашяпти. Ҳар бир ишчи – хизматчининг нафақат меҳнат фаолияти, балки, уларнинг ижтимоий муҳофазаси эътиборда.

кидлашича, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитасининг ижтимоий шерикчилигида корхонада фаолият юритаётган ишчи-ҳодимлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратилган. Улар махсус кийим, ҳимоя воситалари билан мунтазам таъминланади. Барча цех ва бўлим-

